

Андижон шаҳри

Андижон вилояти «Андижон Дори-Дармон» АЖ бошқарув раиси Аҳмадҷонов А. кейинчалик матнда «Таъминотчи» деб юритилади, Низом асосида ҳаракат қилувчи бир томондан Бўғатқара Легионбўёв ушбу директор Д. Ибраҳимов

кейинчалик матнда «Харидор» деб юритилади, иккинчи томондан ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздилар:

1 Шартнома моҳияти

1.1. «Таъминотчи» «Харидор»нинг талабномаси билан ҳаётий зарур дори-дармонлар, тиббий ашёлар ва стерилланган дориларни узининг тизимдаги «А.Ашуров-1» дорихонаси орқали икки томонлама келишилган 1-илова (спецификация) асосида товарларни сотади. Шартномага асосан олинадиган товарнинг номи, микдори, нархи ушбу шартноманинг ажралмас қисми булган ушбу 1-иловада курсатилади. «Харидор» эса олган махсулотлари учун туловни «Таъминотчи»нинг банкидаги тегишли ҳисоб рақамига келишилган муддатда утказиб беришни уз зиммасига олади.

1.2. Шартноманинг суммаси 296000 (икки юз тўқсон олти мианг) сўм белгиланди (суммага транспорт харажатлари кирмайди).

2. Махсулотнинг сифати

2.1. «Таъминотчи» «Харидор»га Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка, ўрамлари фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган ҳамда сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёнига эга бўлган дори-дармонлар ва тиббий махсулотларни сотади

3. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Ҳисоб –китоб «Харидор»га томонидан пул утказиш йули билан амалга оширилади.

3.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Газначига бўлимидан рўйхатдан утиб 5 банк иш кунда «Харидор» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30% (фоизи) яъни 88800 (саксон саккиз мианг саккиз юз) сумми олдиндан аванс тариқасида «Таъминотчи»нинг ҳисоб рақамига утказиб беради.

3.3. Қолган охириги 70% (фоизи) 207200 (икки юз етти мианг икки юз) суммини «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар ҳисоб варақ фактуралари асосида 90 банк иш кунда утказиб беради.

3.4 «Харидор» томонидан 30% (фоизи) олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг талабнома асосида «Таъминотчи» 3 банк иш куни давомида мазкур шартномада курсатилган микдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, махсулотларни «Харидор» га етказиб беради.

3.5. Махсулотларни етказиб бериш харажати «Таъминотчи» ҳисобидан қопланади.

4. Жўнатиш ва қабул қилиш шартлари

4.1. Сотиб олинган товарларни жўнатиш «Таъминотчи» томонидан амалга оширилади, етказиб бериш санаси булиб, товарнинг «Таъминотчи» омиборидан юбориш санаси ҳисобланади, товарни қабул қилишда «Харидор» томонидан уни микдори, сифати ва рўйхати ҳисоб-фактура асосида амалга оширилади.

4.2. Гиёҳванд, захарли ва психотроп дори-дармонларни «Харидор» томонидан тегишли ички ишлар идораларидан берилган махсус рухсатномаларни тақдим қилиниб, сўнг «Таъминотчи»нинг омиборонасидан олиб кетади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1. Томонлар бошқа томоннинг ҳужжатини расмийлаштирилиши ёки нотугри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдирлар.

5.2. «Таъминотчи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган «Товар (махсулот)ни қабул қилишда асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қоплашини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

-агар «Товар (махсулот)ни етказиб бериш жараёнида «Таъминотчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул қуйган булса «Харидор»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдур .

5.3 «Харидор» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

-камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар туғриланиш харажатларини қопланишини талаб қилишга:

--мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини «Таъминотчи» дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. Томонларнинг мулкый жавобгарлиги

6.1. Шартнома мажбуриятларини тўлик ёки қисман бажармаганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – хусусий базаси тўғрисида» ги қонуни талаблари доирасида мулкый жавобгардирлар.

6.2. «Таъминотчи» жавобгарлиги:

6.2.1. «Таъминотчи»нинг айби билан товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилса, «Таъминотчи» томонидан кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар суммасининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

6.3. "Харидор"нинг жавобгарлиги:

6.3.1. "Харидор"нинг айби билан етказиб берилган товарлар хакини уз вақтида туламса, "Харидор" томолнидан кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0.4 фоиз микдорда, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоиздан ортик булмаган микдорда жарима (пеня) тулайди.

6.4. Шартноманинг 2-бандига асосан "Таъминотчи" томонидан сотилган махсулот сифатсизлиги тегишли хужжатлар билан 3 кун ичида тасдикланса, у холда "Таъминотчи" сифатсиз махсулотни сифатли махсулот билан алмаштириб беради ва бу билан боглик барча харажатларни ўз зиммасига олади.

6.5. "Таъминотчи" нинг ҳисоб – варақасида махсулот солинган кутилар (тара) ни кайтарилиши қайд этилган бўлса, кутилар 15 кун ичида кайтарилиши шарт. Акс холда кутилар кийматидан куйидагича жарима солинади: 15 кундан кечиктирилса 50 %, 30 ва ундан ортик кун учун 100 %.

6.6. Томонлар ўзларига юклатилган мажбуриятлардан ўзларига боглик бўлмаган куйидаги форс -мажор ҳолатларида қисман ёки тўлиқ озод этилади: ёнгин, табиий офатлар, харбий ҳаракатлар, блокадалар, импорт ва экспорт қилишга тақиқлар.

7. Низоларни ҳал этиш.

7.1. Шартнома мажбуриятларидан келиб чиқадиган барча низолар, томонлар ўртасида ўзаро келишилган ҳолда ҳал этилади. Низолар пайдо бўлганда томонлар ёзма равишда оғохлантириш хати берадилар. Оғохлантириш хатига жавоб бериш муддати 10 кун.

7.1. Ҳал этилмаган низолар Хўжалик судида кўриб чиқилади. Хўжалик судини қарори ҳал этувчи хужжат ҳисобланади.

8. Форс-мажор.

8.1. Томонларга боглик булмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикасида Президентнинг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли хужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

8.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбуридир.

9. Шартнома муддати

9.1. Шартнома имзоланган кундан ва тегишли ҳудудий газначилик булимида руйхатга олингандан сунг, 31 Декабрь 2022 йилгача амал қилади.

10. Умумий ҳолатлар:

10.1. "Харидор" "Таъминотчи"га хар ойнинг 5 санасигача шу ойда зарур бўладиган дори воситалари ва тиббий ашёларнинг буюртма рўйхатини тақдим этади, бунда товарнинг номи, микдори курсатилиши шарт. "Харидор" га "Таъминотчи" томонидан прайс листлар тақдим этилади, прайс листга асосан «Харидор» нархларга алоҳида эътибор берган ҳолда, танлов варақасига асосланиб 1 ойлик эҳтиёж учун зарур бўлган дори –дармонларни сотиб олади.

10.2. Шартномага киритилиши лозим бўлган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма тартибда амалга оширилади ва томонлар имзолаб, муҳрлагандан тегишли газначилик булимидан руйхатга олингандан сунг асосий шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10.3. Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан қолган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал этилади.

Томонларнинг манзилгоҳи ва банкдаги ҳисоб рақамлари:

"ТАЪМИНОТЧИ"

«Андижон Дори-Дармон» АЖ
711000, Андижон ш,
Оғохий куча №1-уй
х/р 20210000800177073001
Миллий Банк Андижон вилоят
Булими МФО 00074
ИНН 200218892
ОКОНХ 71212
Тел: +998906254838

Ахмадҷонов А. _____
(имзо, муҳр ўрни)

"ХАРИДОР"

буёқакора
Муҳаммад Ҳасан
Манзил: Авд. Тулема
Тел/Факс 95.20.26467
ш/х 100021860032037101204344001
СТИР 200257591 ОКНХ 91800
Газначилик булиммаси номи
Газна х/р 23402000300100001010
Банк номи МБ ТАСИМ БСБ
МФО 00000000000000000000 газначилик
Булиммаси СТИР 201122919
Раҳбар Д. Шайхмуродов
(имзо, муҳр ўрни)

Хулоса:

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасининг ва «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси» тузилиши тизими талабларига мувофиқ равишда тузилган, имзолаш мумкин.

«Андижон Дори-Дармон» АЖ
Хуқуқшуноси

Юсупов С

"Андижон Дори-Дармон" АЖ ва Бутакора Мурувват уйи Андижон тумани
уртасида тузилган №_44\1-6_ сонли « 31 » 01 2022 йилдаги шартномага

СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Товар номи	Улчов бир	Миқдори	Нархи	Сумма
1	Спирт этил. мед 70 % 50мл(этанол)	фл ЖАМИ	2000	1 480 00	296 000 00 296 000.00



СОТУВЧИ

Ахмаджонов А.



ХАРИДОР

А.В. Ибрагимов